

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев*

*Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессорлари,  
иқтисодиёт фанлари докторлари*

*Ботир Раҳматуллаевич Пардаев*

*“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети  
мусақил тадқиқотчи*

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда туризмини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари тадқиқ қилинган. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар страте-гиясида”, 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт Стратегияси”, “Ўзбекистон - 2030” стратегик йўналишларида белгиланган Ўзбекистонда туризми янада ривожлантириш масаласи умумлаштирилган ҳолда стратегик йўналишлари тизимлаштирилган.

**Калит сўзлар:** туризм, туризмнинг турлари, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, сайёҳлар, сайёҳлик салоҳияти, турстлар хавфсизлиги, меҳмонхона.

**Кириш. Мавзунинг долзарблиги.** Дунё миқёсида туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан бири сифатида баҳоланиб келинмоқда. Ҳозирги глобаллашув ва давлатларнинг интеграциялашув шароитида, инсонларнинг дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишига кенг имкониятлар яратиб берди. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 2023 йил октябрь ойида

бўлиб ўтган 25-сессиясидаги нутқи ҳам алоҳида таъкидланди. Маърузада эътироф этилишича “Бутунжаҳон туризм кенгаши маълумотларига кўра, коронавирус пандемиясидан аввал жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 10 фоизи, экспортининг эса 7 фоизи сайёҳлик секторига тўғри келган”<sup>1</sup> лиги қайд этилган. Аммо кутилмаганда пайдо бўлган пандемия дунё сайёҳлари харакатига, хусусан туризм соҳасига жиддий зарба берди. Натижада ўзига хос бўлган туризм экспорти даромадлари сезиларли даражада қисқарди, сайёҳларнинг харакати тўхталиши натижасида дунё бўйича миллионлаб иш ўринлари йўқотилди. Пандемиядан кейин мазкур соҳага мамлакатимизда катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрда қилган Мурожаатномасида мазкур масалага алоҳида аҳамият беришди. Бунда мамлакатимизда туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоратadbирлар ҳам белгилаб берилди. Буларни амалга ошириш эса, чуқур тадқиқотларни талаб қилади. Шу нуқтаи назаридан мазкур иш ўта долзарб мавзуга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

**Таҳлил ва натижалар.** Мазкур бўлимда Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвери бўлган туризм соҳаси ҳақида гап боради. Бу соҳа ҳам янги йўлга тушиб олди ва унда олдинлаб кетмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегиясида”да ҳам 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт Стратегияси”да, “Ўзбекистон - 2030” стратегик йўналишларида ҳам Ўзбекистонда **туризм индустриясини** янада ривожлантириш масаласи алоҳида қайд этилган. Мазкур соҳани стратегик ривожлантириш учун бир қанча имкониятлар яратилди. Булар:

**Биринчидан,** туризмни янада ривожлантириш дастури қабул қилинди. Бу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқи. 16.10.2023. // <https://president.uz/uz/lists/view/6763>

февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармонида (Интернет ресурс: <http://www.natlib.uz/ru/News/ReadMore/862>) аниқ кайд этилган. Ушбу Фармонда инвестицияларни жалб қилиш, Ўзбекистоннинг мавжуд ресурсларидан, бой табиий, маданий ва тарихий меросидан фойдаланган ҳолда туризм соҳасига инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш зарурлиги таъкидланган.

**Иккинчидан**, юқоридаги фармонда, соҳанинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган **визасиз режимга** рухсат этилди. 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил, Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари учун республика ҳудудига кириш кунидан бошлаб 30 кун муддатга визасиз режим ўрнатилди. Шу билан ортиқча бюракратиясиз бемалол мамлакатимизга бир қанча давлат фуқаролари турист сифатида кириш имкониятига эга бўлди.

**Учинчидан**, булардан ташқари, 39 та мамлакат фуқаролари учун 2018 йил 10 февралдан бошлаб сайёҳлик визаларини расмийлаштириш ва уларни 2 иш куни ичида бериш, шунингдек, 2018 йил 1 июлдан бошлаб электрон расмийлаштириш тизими ишга туширилиши белгиланган эди. Ушбу тартиб Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ҳиндистон, Канада, Янги Зеландия ва АҚШ фуқароларига жорий этилиши белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, мамлакат бўйлаб саёҳатларни ва ўқув сафарини ташкил этиш дастури ҳам ишга туширилди. Ушбу дастур доирасида миллионга яқин фуқароларимиз – ўқувчилар, талабалар, ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бошқалар мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишди.

**Тўртинчидан**, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхоналар, йўллар, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилиши бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт

жамғармасининг кредит йўналишларини очишга рухсат этилди. Соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларга даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва 3 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод қилиш шаклида имтиёзлар ҳам берилган. Бу ҳам туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар учун катта имконият. Тежалган солиқ суммасини ўзининг фаолиятини кенгайтириш ва фаоллаштириш учун ишлатади.

**Бешинчидан**, туризм соҳасини аҳолига тарғиб қилиш масаласига ҳам катта аҳамият берилди. Ҳозирги пайтда туну-кун фаолият кўрсатадиган “Дунё бўйлаб” телеканали Ўзбекистон Республикасида Маданият ва туризм вазирлиги (собиқ туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси)нинг асосий ахборот ҳамкори сифатида белгиланди. Шу билан бирга ижтимоий тармоқларда ҳам мамлакатимиздаги мавжуд туристик объектларни (миллий ва маданий мерос объектлари, тарихий объектлар, музей кабилар) кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**Олтинчидан**, тизимли муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш учун Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу эса туризм соҳасида давлат сиёсатининг янги асосларини яратди. Хусусан, 2018 йил 7 февралда Президентнинг “Туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан ички туризм – минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликлари билан таништиришда муҳим омил сифатида белгиланди.

**Еттинчидан**, манфаатдор ташкилотларга бир ой ичида туризм субъектларини жалб қилган ҳолда туризм инфратузилмасининг имкониятларини ҳисобга олиб, туризм соҳасига ёшларни жалб этган ҳолда саёҳатлар ва экскурсияларни ташкил этиш муддатларини тасдиқлаш топширилди. Ички туризмни интернет, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш

бўйича тадбирлар ўтказиш масаласи ҳам қўйилган. Аҳоли учун сайёҳлик ва диққатга сазовор жойларга кириш тартиби ҳам осонлаштирилган. Бирорта туристик объектга кириш учун тўлаш билан боғлиқ харажатлар паритети асосида жамоа шартномаларига мувофиқ иш берувчилар ҳисобидан тўланиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилган.

**Саккизинчидан**, Ўзбекистон Президенти 2019 йил 18 июлда “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни имзолади. (№549. №03/19/549/3446). Мазкур қонун Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилганлиги билан олдингисидан фарқ қилади. Қонунга мувофиқ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (ҳозир Маданият ва туризм вазирлиги) туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида белгиланди. Жисмоний ва юридик шахсларга сайёҳлик объектлари тўғрисида зарур маълумотларни тақдим этадиган, шунингдек, уларни тарғиб қиладиган туристик ахборот марказлари ташкил этилди.

**Тўққизинчидан**, туризм нафақат ахборот берувчи объект сифатида, балки тарбиячи ва эркинлик туйғусини шакллантирувчи муҳим соҳа сифатида ҳам қаралади. Туризмнинг аҳамияти ҳақида Ю.С.Путрик, В.В. Свешников асарида (Туризм глазами географа. – М.: Из-во «Мысль», 1986. - С.3.) К.Г.Паустовскийнинг гапини келтиради. Бунда: “Агар сиз ўз давлатингизнинг, бутун дунёнинг ҳақиқий ўғлони, билимли, маънавий эркин, мард, инсонпарвар, меҳнат ва кураш, маънавий қадриятларни яратадиган инсон бўлишни истасангиз, бўш вақтингиздан унумли фойдаланинг ҳамда узоқ саёҳатларга чиқиш анъанасига содиқ қолинг. Чунки ҳар бир саёҳат гўзаллик оламига эврилиб кетишдир”, деб ёзган экан. Муаллифларнинг ўзлари ёшлигида яхши кўрган тоғ туризмнинг ижобий таъсирини ўзида ҳис қилган ҳолда “тоғларга ҳар бир ташрифдан сўнг, одам ақлли бўлиб қолгандай туюлади”, деган экан.

**Ўнинчидан**, ҳақиқатан ҳам ноёб, бетакрор, мухташам меъморий обидалар ўзларининг ижодкорлари ҳақида қимматли маълумотларни

тақдим этиб, ўша даврдаги одамлар ҳаёти, урф-одатлари, маданияти ва дини ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу тарихий мўъжиза намуналаридан баҳраманд бўлганларнинг барчаси бу мўъжизаларни ўз хотираларига жойлаб кетади, кейин ўзларининг қанчалик доно бўлганликларини синаб кўриш учун қайта-қайта бу маконларга қайтишни қўмсаб яшайдилар.

**Ўнбиринчидан,** Ўзбекистоннинг битта бўлаги бўлган Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган, давлат муҳофазасига олинган ҳозиргача аниқланган ва рўйхатга олинган археология ёдгорликлари (қолдиқлар, ариқ, тепалиқлар ва бошқа) сақланаётган ҳудудларнинг сони 1105 тани ташкил қилади. Булар биргина археология ёдгорликлари бўлиб, антик даврдан, Бронза даври, ўрта асрлардан буён сақланиб келинаётган объектлар ҳисобланади.

**Хулоса қилиб айтганда,** Ўзбекистон учун туризмни ривожлантириш – иқтисодий ўсишни янада жадаллаштириш, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг реал даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим имкониятларидан биридир. Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун туризмнинг аҳамияти катта. Чунки, кў харажат қилмасдан яхши даромад қилиш мумкин. Шу мамлакатда туриб, хизматлар экспортини амалга ошириш ҳам ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Туризмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шунда.

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5326-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. № 3-4 / 2022. – 3-26 бетлар.

3. Фуломов С., Пардаев М., Тоиров М. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни шакллантириш учун таълим моделида ҳар бир ўқувчининг қобилиятини ривожлантириш зарур.// О‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. № 3-4 / 2022. – 27-34 бетлар.
4. Мухаммедов М.М. ва бошқалар.Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – сСамарқанд. Zarafshon, 2017. 31 бет.
5. Путрик Ю.С., Свешников В.В.. Туризм глазами географа. – М.: Из-во «Мысль», 1986
6. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т: “Фан ва технология нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – 148 б.,